

Аллоҳ таолонинг валий бандаларидан бўлишимизга сабаб бўлувчи 10 та амал



11:00 / 23.01.2021 3071

Учинчи амал

Аллоҳ таолони доим зикр қилиб юриш. Тилда ҳам, қалбда ҳам, амалда ҳам, ҳолда ҳам Аллоҳнинг зикрини тўхтатмаслик. Зеро, банданинг муҳаббатдан насибаси Аллоҳ таолони зикр қилишдан бўлган насибаси миқдорича бўлади.

Киши нимани кўп яхши кўрса, ўшани кўп эсга олади. Аллоҳ таолони кўп яхши кўрса, Аллоҳни, футболни кўп яхши кўрса, футболни, пулни кўп яхши кўрса, пулни, хотинларни кўп яхши кўрса, хотинларни эсга олади. Мўмин-мусулмон киши учун энг маҳбуб нарса Аллоҳ ва Унинг Расули бўлиши керак.

**«Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи вассалам: «Аллоҳ азза ва жалла:
«Мен бандам мен ҳақимда нима гумон қилса, ўшандайман. У Мени
зикр қилган чоғда, Мен у биланман. У Мени ичида зикр қилса, Мен
ҳам уни ичимда зикр қиламан. У Мени жамоат ичида зикр қилса, М
ен ҳам унинг жамоатидан яхшироқ жамоат ичида зикр қиламан.
Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир аршин
яқинлашаман. Агар у Менга бир аршин яқинлашса, Мен унга бир
қулоч яқинлашаман. Агар у Мен томон юриб келса, Мен у томон
югуриб бораман» деди», дедилар».**

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади